



AKTUAR MOLIYA VA BUXGALTERIYA HISOBI ILMIY JURNALI

Vol. 5 Issue 02 | pp. 66-73 | ISSN: 2181-1865

Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>

БАНК КРЕДИТ ПОРТФЕЛИ ИЧКИ АУДИТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ



Умаров Зафар Абсаматович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
“Банк ҳисоби ва аудити” кафедраси мудири

Аннотация. Ушбу мақолада банк кредит портфели ички аудитининг ўзига хос хусусиятлари тадқиқ қилинади. Тижорат банклари кредитлаш жараёнида кредит портфелини шакллантиради. Кредит портфели бошқарув объекти сифатида банк стратегиясидан келиб чиққан ҳолда риск, даромад ва ликвидлилик позициясидан келиб чиққан ҳолда бошқарилиши лозим. Банк кредит портфелини самарали бошқариш учун кредит портфели ҳолати тўғрисида холис ва ишончли маълумот олиш учун ички аудиторлик текширувидан ўтказиш талаб қилинади.

Калит сўзлар: кредит, кредит портфели, тижорат банки, кредит rischi, кредит портфелини бошқариш, аудит, ички аудит, ички аудит хизмати.

Аннотация. В статье рассматриваются особенности внутреннего аудита кредитного портфеля банка. Коммерческие банки формируют кредитный портфель в процессе кредитования. Кредитный портфель как объект управления должен управляться с позиции риска, доходности и ликвидности, исходя из стратегии банка. Эффективное управление кредитным портфелем банка требует проведения внутреннего аудита для получения объективной и достоверной информации о состоянии кредитного портфеля.

Ключевые слова: кредит, кредитный портфель, коммерческий банк, кредитный риск, управление кредитным портфелем, аудит, внутренний аудит, служба внутреннего аудита.

Annotation. This article examines the peculiarities of the internal audit of the bank's loan portfolio. Commercial banks form a loan portfolio in the process of lending. The loan portfolio as an object of management should be managed in terms of risk, profitability and liquidity, based on the bank's strategy. Effective management of a bank's loan portfolio requires internal auditing to obtain objective and reliable information about the status of the loan portfolio.

Keywords: loan, loan portfolio, commercial bank, credit risk, loan portfolio management, audit, internal audit, internal audit service.

Кириш

Кредитлаш аксарият тижорат банклари ресурсларини жойлаштириш, даромад олиш, рисклар юзага келишининг асосий йўналишидир. Сўнги йилларда иқтисодиётда амалга оширилаётган таркибий ислохотлар, банк хизматларининг оммалашуви ва кредитларга бўлган юқори талаб натижасида иқтисодиётга ажратилган кредитлар ҳажми юқори ўсишда давом этмоқда. Хусусан, 2023 йил якуни бўйича кредитлар қолдиғи 2018 йилга нисбатан 3,7 баробарга ўсиб, ўртача йиллик ўсиш суръати 30,4 фоизни ташкил этди. Кредит қўйилмаларининг ЯИМга нисбатан улуши эса 2017 йилдаги 23 фоиздан бугунги кунда 41 фоизгача ошди[10]. Кредитлаш ҳажмининг ошиши унинг қайтмаслик riskини ошишига олиб келади, муаммоли кредитлар улушини қўпайишига ҳам сабаб бўлиши мумкин. Бу ўз навбатида тижорат банклари томонидан берилган кредитларнинг тўғри расмийлаштирилганига, мақсадли берилганлигига, лойиҳалар тўғри баҳоланганлиги, мижознинг тўловга лаёқатлиги шаффоф аниқланганини, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботда аниқ акс эттирилганлигини назорат қилиш, мониторинг қилиб бориш, текшириш амалиётларини самарали ташкил этиш зарурлигини белгилайди.

Тижорат банклари ҳўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолини кредитлаш жараёнида берилган барча кредитлари банк кредит портфелини шакллантиради. Кредит портфели одатда банк активининг энг катта қисмини ташкил қилади ва асосий даромад манбаи ҳисобланади. Бу банк хавфсизлиги ва мустаҳкамлиги учун энг катта риск манбаларидан биридир.

Кредит портфели таркиби, унинг сифати, муддати, riskлилик даражаси, валюта бўйича таркиби, кредит турлари бўйича кредит сиёсатининг мақсади, умумий олганда банк стратегиясига мос ҳолда шакллантириш керак бўлади. Албатта буни ушбу мақсадга мос шакллантириш учун уни бошқариш зарур, бошқарув қарорларини қабул қилиш учун эса кредит портфелини таҳлил қилиш, аудиторлик текширувидан ўтказиб туриш лозим.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

Банк кредит портфелини шакллантириш кредитлаш жараёнини ташкил қилишдан бошланади ва банк фаолиятининг ажралмас қисмидир.

Ш.З.Абдуллаева банк кредит портфелини турли хил кредит riskларига асосланган муайян мезонларга қараб туркумланган кредитлар миқёсидаги банк талабларининг йиғиндиси[2] деб таърифлайди. Яъни бунда банк жойлаштирган ресурсларни – кредитларни, уларнинг riskлилик даражасига қараб туркумлашига эътибор қаратилган.

Ҳ.Ҳ.Отамуродов банк кредит портфелини муайян таркибий тузилмага эга бўлган, ўзига хос бошқарув объекти сифатида кредитлаш йўналишлари бўйича банкнинг даромадлилик, risk, ликвидлик талабларига ҳамда янги иш жойлари ва ялпи маҳсулот яратилишини таъминлаш учун банкнинг кредит сиёсати стратегиясига мувофиқ кредитлаш объектларига йўналтирилган қўйилмалар мажмуи[6] сифатида қарайди. Бунда муаллиф кредит портфелини бошқариш

объекти эканлигини қайд этиши эътоборга молик. Сабаби кредит портфелида маълум бир мезонларга қараб кредитлар жамланади, уларни шу хусусиятларга қараб бошқариш мумкин бўлади. Масалалан кредит портфелини кредит муддатлари бўйича шакллантирсак, уни жалб қилинган ресурслар муддатига қараб бошқариш имконига эга бўламиз.

Умуман олганда банк кредит портфелини бошқариш банк стратегияси ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда шакллантирилган кредит сиёсатини амалга ошириш билан боғлиқ бўлиб, банк рисклилиги, даромадлилиги ва ликвидлигини оптимал даражада таъминлаш жараёнидир.

Кредит портфелини бошқаришда кредитлаш жараёнига хос бўлган рискларни бошқариш ва назорат қилиш зарур. Агар рисклар ҳар бир кредит даражасида яхши назорат қилинадиган бўлса, унда портфел даражасидаги рисклар ҳам яхши бошқарилади.

Кредит портфелини бошқаришда бошқариш субъекти сифатида банк бошқарувининг ўрни катта бўлиб, кредитлаш жараёнинг умумий йўналишини белгилайди, уни ташкил қилишни назорат қилади, ваколатларни тақсимлайди, кредит сиёсатини ишлаб чиқади, жараённи назорат қилади.

Кредит портфелини бошқариш жараёнида рискларни минималлаштириш, мавжуд ҳолатни ўрганиш учун ички аудит хизматидан фойдаланиш муҳим ҳисобланади.

Д.А.Тошпулатов ички аудит тижорат банкларида бизнес-жараёнлар, жумладан кредитлаш жараёнини бошқариш тизимини таҳлил қилиш билан шуғулланишини[7] қайд этади. Ҳақиқаттан ҳам ички аудит банк фаолиятининг барча жабҳаларини текшириб боради, кредит портфели ҳам ички аудит объекти ҳисобланади.

М.Л.Ядгарова тижорат банклари кредит портфели аудити Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларига ва бевосита тижорат банкининг кредит сиёсатига асосланган ҳолда ўтказилишига[11] эътибор қаратган. Банк ички аудити ўтказиш жараёни норматив ҳужжатларга мос бўлиши лозим.

Кредит портфелининг аудити барча ички банк ҳужжатларини нафақат норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини, балки банк томонидан йил давомида амалга оширилган кредит операцияларини амалга ошириш учун етарлилиги, банк устави ва лицензияга мослиги нуқтаи назаридан ҳам текширишни ўз ичига олади[4]. Ички аудит кенг қамровли бўлганлиги учун банк стратегиясига, ички меъёрий ҳужжатларига мос равишда кредит портфели шаклланганлигини ҳам текшириши керак.

Таҳлил ва натижалар

Кредит портфелини бошқариш бўйича чора-тадбирлар тизимида кредит сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш муҳим ўрин тутди. Кредит сиёсати банкнинг кредит махсулотларини таклиф этиш, кредит турлари ва фоиз ставкалари, кредитни бериш усуллари, кредитлаш жараёнини ташкил этиш, мижознинг тўловга лаёқатлигини баҳолаш, кредит мониторингини ўтказиш, мижозлар сонини кўпайтириш ва кредит рискларини минималлаштиришни белгилаб беради.

Банк кредит портфелини бошқаришда кўпинча кредит рискларини бошқариш ва уни юмшатиш усуллари қаратилади. Кредит рискларини бошқариш - бу кредит портфелини бошқаришнинг асосий йўналиши, аммо қарз олувчининг кредитга лаёқатлилиги ва кредитни қайтариш қобилиятининг эҳтимоллигини баҳолаш кредит портфелини бошқариш самарадорлигини кафолатламайди.

Кредитлар, одатда, энг катта кредит рискин келтириб чиқарадиган активлар тоифаси, шунинг учун банкларга зарар етказилиши мумкин. Анъанавий равишда банклар умумий кредит рискин бошқаришда индивидуал кредитлар устидан назоратни амалга оширишга эътибор беришади. Ушбу эътибор муҳим бўлса-да, банклар кредит рискларини бошқаришни портфел сегментлари ва бутун портфел нуқтаи назаридан кўриб чиқишлари керак. Алоҳида кредит рискин бошқаришга эътибор кредит инқирозларини олдини олмайди. Бироқ, рискларни бошқариш бўйича портфел ёндашуви ушбу анъанавий рискларни бошқариш усуллари қўллаганда, банклар ҳеч бўлмаганда зарарларини камайтириши мумкин.

COVID-19 пандемияси шароитида тижорат банклари учун кредит портфелини бошқаришга таъсир қилган энг кучли иқтисодий зарбалардан бири бўлди ва умумий бошқариш амалиётдаги жиддий камчиликларни очиб берди. Ушбу бўшлиқлар қаторига бошқарув қарорларни қабул қилиш жараёнига макроқўрсаткичларнинг заиф интеграцияси, саноат тармоқлари бўйича истиқболли қарашларни тасодифий қўлланилиши, рискларни баҳолаш тизимларининг етарлича мослашмаганлиги, вазиятни тўлиқ баҳоламасдан белгиланган кредит концентрация чегаралари, кредит портфели ва риск остида бўлган капитал ўртасидаги заиф боғлиқликни киритиш мумкин. Бунда банк кредит портфелини рентабеллик даражасини таъминлаш учун банк стратегик мақсадлари билан боғлашга эътиборни қаратиш, риск ва даромадлилик нисбати бўйича чоратадбирлардан фойдаланиш лозим. Банкнинг барча операциялар турлари ва унинг барча таркибий бўлинмалари фаолияти ички аудиторлик текшируви доирасига киради[1]. Шу жумладан, риск даражаси юқори бўлган кредитлаш операциялари, уларнинг натижаси ҳисобланган кредит портфели ички аудитнинг асосий объектларидан ҳисобланади. Кредит портфели ички аудити кредитлаш фаолиятини текшириш жараёнида ўрганилади. Банк кредит портфелининг ички аудити ички аудиторлари томонидан кредитлаш жараёнини назорат қилиш, кредит рискларини таҳлил қилиш ва баҳолаш, кредит сиёсати ва банкнинг бошқа ички меъёрий ҳужжатларга риоя этилаётганини, қонунчилик ва регулятор талабларга мувофиқлиги текшириш, кредит портфели сифати, кредит портфели мониторингини олиб борилиши, муаммоли кредитларнинг улуши, кредит портфелини бошқариш жараёни текширилади.

Кредит портфели аудит қилинаётганда, банкнинг кредит сиёсатидан сўнг кредитлар структураси текширилади. Кредитлар структураси аниқланганда, кредитлар маълум муддатга берилиши ва ўз вақтида қайтарилишини кўзда тутилади[5]. Банк фаолиятида кредит рисклари энг муҳим молиявий хавфлардан бири ҳисобланади. Банк активларининг асосий қисмини кредитлар ташкил этгани учун, уларнинг сифатини назорат қилиш ва рискларини бошқариш банк барқарорлиги ва ликвидлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Ички аудит

банкда кредит рискларини баҳолаш, уларни камайтириш ва самарали бошқариш механизмларини таҳлил қилишда асосий воситалардан бири ҳисобланади.

Кредит рискларини таҳлил қилиш ва баҳолашда ички аудитнинг асосий вазифаси – банкнинг кредит сиёсатини, кредит портфели сифатини ва қарздорлик даражасини баҳолаш орқали мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни камайтириш бўйича таклифлар тайёрлашдан иборат. Ички аудит кредит рискларини аниқлаш ва таҳлил қилишда кредит портфелининг сифати ва таркибини ўрганади, мижозларнинг тўлов лойқатлигини баҳолаш мезонларини текширади. Кредит портфелининг таҳлили кредитларнинг иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалари бўйича, муддати, уларнинг риск даражаси, фоиз ставкалари, кредитларнинг таъминланганлиги, кредитларни қайтариш ва бошқалар бўйича олиб борилади[3].

Кредит портфелини тармоқлар бўйича диверсификациялаш даражасини ўрганишга аудитор алоҳида эътибор бериши керак[8]. Бизнинг фикримизча, кредит портфелини тармоқлар бўйича диверсификациялаш даражасини натижасида кредит портфели сифати яхшиланиши кузатилади.

Кредит портфели тармоқлар ва соҳалар, кредит турлари, миллий ва хорижий валютада берилган кредитлар, таъминот тури, кредит rischi, кредит сифати ва бошқа тавсифларга кўра ўрганилади. Кредит портфелини тармоқлар бўйича ўрганиш даврида портфелнинг тармоқлар бўйича диверсификацияси, ўзгариш тенденциясига, банкнинг қайси соҳага устуворлик бергани, шу соҳада бўлаётган ўзгаришларга алоҳида эътибор қаратилади.

1-жадвал

Тижорат банклари кредит портфелининг тармоқлар бўйича таҳлили[9]¹

Кўрсаткичлар номи	2020 й.		2021 й.		2022 й.		2023 й.		2024 й.		2024 йилда 2020 йилга нисбатан ўзгариши	
	трлн. сўм	улуш и, % да	трлн. сўм	улуш и, % да	трлн. сўм	улуш и, % да	трлн. сўм	улуш и, % да	трлн. сўм	улуш и, % да	трлн. сўм	% да
Саноат	102,2	36,9	117,6	36,0	126,6	32,5	140,2	29,7	153,4	28,8	51,2	150,1
Қишлоқ хўжалиги	28,1	10,1	35,0	10,7	42,1	10,8	47,3	10,0	50,3	9,4	22,2	179,1
Қурилиш соҳаси	7,4	2,7	9,3	2,8	10,4	2,7	12,3	2,6	13,0	2,4	5,6	175,6
Савдо ва умумий хизмат	19,9	7,2	27,4	8,4	28,9	7,4	32,5	6,9	38,1	7,2	18,2	191,5
Транспорт ва коммуникация	26,6	9,6	28,7	8,8	29,7	7,6	34,3	7,3	32,8	6,2	6,2	123,2
Моддий ва техник таъминотни ривожлантириш	4,0	1,4	3,8	1,2	3,9	1,0	4,1	0,9	4,2	0,8	0,3	106,3
Уй-жой коммунал хизмати	3,8	1,4	2,3	0,7	1,9	0,5	2,3	0,5	2,3	0,4	-1,4	61,8
Жисмоний шахслар	54,9	19,8	69,5	21,3	100,9	25,9	148,6	31,5	177,5	33,3	122,6	323,4
Бошқа соҳалар	30,2	10,9	32,7	10,0	45,6	11,7	49,8	10,6	61,5	11,5	31,3	203,5
Жами	277,0	100	326,4	100	390,0	100	471,4	100,0	533,1	100,0	256,1	192,5

¹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки www.cbu.uz сайти маълумоти асосида муаллиф ҳисоб-китоби

Тижорат банкларининг 2025 йил 1 январь ҳолатига иқтисодиётнинг турли тармоқларига ажратилган кредитларнинг қолдиғи 533,1 трлн. сўмни ташкил қилган, ўтган йилларга ўсиш тенденциясига эга бўлиб, деярли 2 бараварга кўпайган. Банklar томонидан 2024 йилда бошқа йиллар сингари иқтисодиёт тармоқларига ажратган кредитлар таркибида энг юқори улушга саноат соҳаси эга, ўтган йилларга нисбатан суммар ва нисбий ўсган бўлса-да, кредит портфели таркибидаги улуши пасайиш тенденциясига эга бўлган. 2024 йилда кредит портфели таркибида энг юқори улушга эга жисмоний шахсларга берилган кредитлар ўсиш тенденциясига эга, 2020 йилга нисбатан 2 баравар кўпайган. Шунингдек, бошқа соҳаларга берилаётган кредитлар ҳам йилдан йилга кўпайиб борапти.

Ички аудиторлар ҳам, ташқи аудиторлар ҳам кредит портфели аудитини амалга ошириш даврида кредит портфелини шаклланишига алоҳида эътибор қаратиб, берилган кредитлар банк кредит сиёсатига, унинг асосий йўналишларига мос равишда шакллантирилганига, кредит ресурсларининг тўғри тақсимланганига эътибор беришлари лозим.

2-жадвал

Жисмоний ва юридик шахсларга ажратилган кредитлар таҳлили[9]²

Кўрсаткич номи	2020 й.		2021 й.		2022 й.		2023 й.		2024 й.		2024 йилда 2020 йилга нисбатан ўзгариши	
	трлн. сўм	улуш и, % да	трлн. сўм	улуш и, % да	трлн. сўм	улуш и, % да	трлн. сўм	улуш и, % да	трлн. сўм	улуш и, % да	трлн. сўм	улуш и, % да
Жисмоний шахсларга ажратилган кредит қолдиғи	54,9	19,8	69,5	21,3	100,9	25,9	148,6	31,5	177,5	33,3	122,6	223,4
Юридик шахсларга ажратилган кредит қолдиғи	222,1	80,2	256,9	78,7	289,1	74,1	322,8	68,5	355,6	66,7	133,5	60,1
Жами кредит қолдиғи	277,0	100,0	326,4	100,0	390,0	100,0	471,4	100,0	533,1	100,0	256,1	92,5

Тижорат банклари кредит портфели таркибида жисмоний шахсларга берилган кредитлар миқдорий ва нисбий кўрсаткичда ўсиш тенденциясига эга бўлган, айниқса уларга берилган кредитлар салмоғи 2024 йилда жами кредитларга нисбатан 33,3 фоизни ташкил қилгани чакана кредитлар бозори ривожланаётганини кўриш мумкин.

Кредит бериш жараёнини назорат қилишни ўрганиш даврида кредит сўровномалари ва ҳужжатларининг тўғри расмийлаштирилишини текшириш орқали, кредитларни тасдиқлаш жараёнида ички сиёсат ва регламентларга риоя қилинишини баҳолайди.

² Ўзбекистон Республикаси Марказий банки www.cbu.uz сайти маълумоти асосида муаллиф ҳисоб-китоби

Тижорат банкида кредитлаш жараёнини назорат қилиш ички аудити – банкнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш, кредит рискинни камайтириш ва банк ички сиёсатларига мувофиқ ишлашини назорат қилиш учун муҳим жараён ҳисобланади.

3-жадвал

Тижорат банкларининг муаммоли кредитлари (NPL) таҳлили[9]³

Кўрсаткичлар	2020 й.	2021 й.	2022 й.	2023 й.	2024 й.
Кредитлар (трлн. сўм)	277,0	326,4	390,0	471,4	533,1
Муаммоли кредитлар (NPL) (трлн. сўм)	5,8	17,0	14,0	16,6	21,2
Муаммоли кредитларнинг жами кредитлардаги улуши	2,1%	5,2%	3,6%	3,5%	4,0%

Кредит портфели сифатини кўрсатиб берувчи асосий омиллардан ҳисобланган муаммоли кредитларни ўрганиш кредит портфели аудитида муҳим ўрин эгаллайди. Тижорат банкларининг муаммоли кредитлари ўтган йилларга нисбатан ошиб бораётганлигини кўриш мумкин. Шу нуқтайи назардан банк муммоли кредитларни аудитдан ўтказиш даврида ўнинг сабабларини батафсил ўрганиб бориши талаб қилинади.

Ички аудит ўтказиш жараёнида кредитларнинг молиявий ҳисоботда тўғри акс этирилаётгани ўргани муҳим ҳисобланади. Бунда кредит операциялари банк ҳисобварақларида тўғри акс этирилганини, кредитлар мақоми аниқ тавсифланганлиги ва молиявий ҳисоботларнинг ҳолислигини текшириш, қўрилиши мумкин бўлган захиралар тўғри шакллантирилгани ва ҳисобда акс этирилганини назорат қилинади.

Ички аудит банк кредит фаолиятининг шаффофлигини, қонунчиликка мувофиқлигини ва молиявий барқарорлигини таъминлаш учун амалга оширилади. У банк раҳбариятига рискларни аниқлаш, кредит бошқарувини яхшилаш ва тўғри стратегик қарорлар қабул қилишга ёрдам беради.

Хулоса

Хулоса қилиб айтганда тижорат банклари кредитлаш жараёнини тўғри ташкил қилиши, кредит рискинни аниқлаш ва уни бошқариш, мижозлар фаолиятини ўрганиш, макро ва микро даражадаги иқтисодий ҳолатни таҳлил қилиб бориш, кредит портфелини мониторинг қилиш, ички аудит банк кредит портфелини бошқаришда муҳим аҳамият касб этади.

Банк кредит портфелининг ички аудити молиявий барқарорлик ва ликвидликни таъминлашда муҳим механизм ҳисобланади. Кредит рискларини таҳлил қилиш, баҳолаш ва самарали бошқариш орқали банк ўз кредит сиёсати ва стратегиясини мустаҳкамлайди. Кредит портфелининг сифатини баҳолаш, муаммоли кредитларни камайтириш ва молиявий ҳисоботларни тўғри юритиш орқали банк хавфсизлиги таъминланади. Шунингдек, ички ва ташқи аудиторлар томонидан амалга ошириладиган текширувлар банк фаолиятининг шаффофлигини таъминлашга ёрдам беради.

³ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки www.cbu.uz сайти маълумоти асосида муаллиф ҳисоб-китоби

Ички аудит банк кредит фаолиятининг шаффофлигини ошириш, қонунчиликка мувофиқлигини таъминлаш ва молиявий барқарорликни сақлаш учун амалга оширилади. Бу жараён банк раҳбариятига кредит рискларини баҳолаш, кредит бошқарувини яхшилаш ва тўғри стратегик қарорлар қабул қилишга ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг “Тижорат банкларининг ички аудитига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги 3302-сонли низом, 2021 йил 7 май
2. Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. Т., “Молия”, 2002. 304 б. Б – 166.
3. Адилов М.М. Тижорат банклари кредит портфели самарадорлигини оширишда кредит сиёсатининг ўрни ва аҳамияти. Актуар молия ва бухгалтерия ҳисоби илмий журнали. 2024 йил 4(07)-сон, Б. 38-45.
4. Анализ и аудит деятельности банка Ч.2: учеб. Пособие / Л.С. Ефремова, Минск: БГЭУ, 2011. - 160 с.
5. Ибрагимов А.К. Аудитнинг халқаро стандартлари асосида тижорат банкларида ички аудитнинг ташкилий асослари. Ўқув қўлланма. -Т.:Молия, 2013. - 384 б.
6. Отамуродов Ҳ.Ҳ. Тижорат банклари кредит портфелини бошқаришни такомиллаштириш PhD илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. – Тошкент, 2019 й. – Б.56.
7. Тошпулатов Д.А. Тижорат банкларида муаммоли активлар ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш. PhD илмий даражаси олиш учун ёзган диссертация автореферати. –Т.: 2021, 58 бет.
8. Z.A.Umarov, A.K.Ibragimov, A.Z.Avlokulov, A.M.Rahimov – Bank audit metodologiyasi / darslik – Т.: «Nihol print» ОК, 2022. – 480 б.
9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки www.cbu.uz сайти маълумоти
10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. Пул-кредит сиёсатининг 2025 йил ва 2026-2027 йиллар даврига мўлжалланган асосий йўналишлари. 2024 йил. <https://cbu.uz/oz/monetary-policy/publications/trend/>
11. Ядгарова М.Л. Тижорат банкларида кредит портфелини аудитининг долзарблиги. Journal of New century innovations 2024-05-21

Copyright: © 2025 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution- 4.0 International License (CC - BY 4.0)

